



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2020. -№ 1(1).

ISSN: 2181-1342 (Online)

<https://scienceproblems.uz>

*Иқтисодиёт фанлари*

## **СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СОЛИҚ СИЁСАТИ**

**Мусаев Рахмат**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти,

**Усмонов Парвиз Шавкатович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

## **НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА, НАПРАВЛЕННОЙ НА ОПТИМИЗАЦИИ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ**

**Мусаев Рахмат**

доцент Самарқандского института экономики и сервиса

**Усмонов Парвиз Шавкатович**

ассистент Самарқандского института экономики и сервиса

## **TAX POLICY AIMED AT OPTIMIZATION OF TAX INCENTIVES**

**Musaev Rakhmat**– Associate Professor of Samarkand Institute of Economics and Service, e-mail: [xisobot@bk.ru](mailto:xisobot@bk.ru)

**Usmonov Parviz Shavkatovich**– Assistant of Samarkand Institute of Economics and Service, e-mail: [uparviz@list.ru](mailto:uparviz@list.ru)

*Иқтибос келтириш учун / For citation / Для цитирования:*

Мусаев Р., Усмонов П.Ш. Солиқ имтиёзларини мақбуллаштиришга қаратилган солиқ сиёсати // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – 2020. – № 1(1). – Б. 71–80. <https://doi.org/10.47390/A1342112020N8>

*Аннотация. Мазкур мақолада солиқ ва солиққа тортиш тизимининг моҳияти, солиқ сиёсати ва унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш шароитларидаги асосий йўналишлари, солиқ имтиёзларини мақбуллаштиришга қаратилган солиқ сиёсати аҳамияти кўрсатиб берилган ва уни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.*

*Калит сўзлар: солиқ, солиқ сиёсати, солиқ имтиёзи, солиқ тизими, инвестиция.*

**Аннотация.** В статье раскрывается сущность налогов и налоговой системы, налоговой политики и ее основных направлений в контексте экономической реформы, важность налоговой политики, направленной на оптимизацию налоговых льгот, а также изложены выводы и рекомендации по ее совершенствованию.

**Ключевые слова:** налог, налоговая политика, налоговая льгота, налоговая система, инвестиция.

**Abstract.** The article reveals the essence of taxes and the tax system, tax policy and its main directions in the context of economic reform, the importance of tax policy aimed at optimizing tax benefits, and also outlines the conclusions and recommendations for its improvement.

**Keywords:** tax, tax policy, tax incentive, tax system, investment.

DOI: 10.47390/A1342112020N8

**Кириш.** Мамлакатимизда иқтисодийнинг барқарор ўсиши ва унда модернизация қилиш, унинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ тизимини такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айнан, солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларини солиқ муносабатларини такомиллаштириш, уларни ҳаракатга келтирувчи ва давлат бюджети тўлиқлигини таъминлаш учун мақбул солиқ имтиёзларини тақдим этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мамлакатимиз Президентининг “Имтиёзлар айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берилади. Имтиёзни рўқач қилиб, энг муҳим фаолият турларини тўла монополия қилиб олишга мутлақо йўл қўйилмайди. Солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодийнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтишни тақлиф этаман” [4, 2-б.] дея таъкидлаган фикрлари давлатнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солишда солиқ имтиёзларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, солиқ имтиёзларини мақбуллаштиришни тақозо этади. Зеро, солиқ имтиёзларининг асосий мақсади орқада қолаётган ва энди ривожланаётган соҳаларни кўтарилишини рағбатлантиришдан иборатдир.

Солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги ислохотлар босқичида давлатнинг солиқ сиёсатини аниқлаш ва белгилашда уларнинг истиқболга асосланган башоратларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Лекин, республикамиз учун ҳали қирралари тўла очилмаган мазкур соҳанинг барча ютуқ

ва афзалликларини ўрганишга бўлган муносабат ҳамда эътиборнинг бугунги аҳволини қониқарли деб бўлмаслиги, бу соҳада чуқур ва самарали тадқиқотлар олиб бориш, унинг кўламини ошириб бориш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса, энг аввало, солиқ сиёсатининг истиқболини белгилашнинг мазмуни, вазифалари, хусусиятлари, усуллари, самарадорлиги каби ўзига хос жиҳатларини англашни талаб қилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Аксарият иқтисодий адабиётларда “солиқ имтиёзлари” тушунчасига таърифлар эътироф этилсада, айнан “солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш” тушунчасига фикрлар саёзлигича қолмоқда.

Солиқ тизимини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшган россиялик олим С.В. Барулин ҳаммуаллифдаги мақолада солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) борасида фикр юритиб, мавжуд солиқ имтиёзларини қайта ишлаш ва муддатини узайтириш ҳақида қарор қабул қилиш мақсадида унинг натижавийлиги ва самарадорлигига баҳо бериш асосида мониторинг тизимини яратиш лозимлигини таъкидлайди ва солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш бўйича ўзларининг йўналиш ва методларини, критерия ва кўрсаткичларини баён этиб ўтишади [8, 118-б.].

Н.В. Миляков солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш тўғрисида фикр юритиб, солиқ имтиёзлари жами солиқ суммасининг ярмидан ортиқ қисмини ташкил этмаслиги лозимлигини таъкидлаб ўтади [9, 172-б.].

Ватанимиз иқтисодчи олимларидан Б.Э. Тошмуродова солиқ муносабатларини оптималлаштириш доирасида солиқлардан рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш, солиқлар воситасида тадбиркорларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш иқтисодий эркинлаштиришнинг муҳим шартларидан деб ҳисоблайди [10, 68-б.]. Шунингдек, у солиқ имтиёзларининг мақбул ишлаши учун солиқ механизми шароит яратиши лозимлигини таъкидлайди.

Ж.Ж. Урмонов солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш мақсадида унинг самарадорлигини ошириш учун солиқ тўловчилар орасида имтиёзларни асл моҳиятини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказилиши лозимлигини таъкидлайди [11, 142-б.]. Берилаётган имтиёзлар содда, тушунарли ва аниқ мақсадларга йўналтирилган, шунингдек берилаётган имтиёзлар адреслик ва вақтинчалик характерга эга бўлиши лозимлиги эътироф этилади.

Аксарият иқтисодчи-олимлар солиқ имтиёзларини мақбуллаштириш бўйича Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлардаги иқтисодий самарадорликка эга бўлмаган имтиёзларни бекор қилиш лозимлигини ўз ишларида талқин этишади.

**Асосий қисм.** Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитларида бугун Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган солиқ сиёсати, бир томондан, бюджетнинг даромадлар базасини нисбатан мақбул даражада ушлаб туришга йўналтирилган бўлса, бошқа томондан ЯИМнинг ўсишига сезиларли таъсир ўтказувчи кичик бизнес соҳаси субъектлари учун солиққа тортишнинг имтиёзли тартибларини шакллантирадиган анча мунозарали ва ҳар доим ҳам ўзаро боғланавермайдиган чора-тадбирлар ортидан шаклланаётир. Бу эса солиқ сиёсатини икки жиҳатдан: аввало иқтисодий ислохотларнинг мақсадларини кенг маънода рўёбга чиқаришда унинг ҳақиқатан ягона ва узлуксиз эканлиги, унда бир-бирини тўлдирувчи воситаларнинг мавжудлиги нуқтаи-назаридан, иккинчидан эса иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида солиқ сиёсатини амалга ошириш воситаларининг таъсири жиҳатидан кўриб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини тақозо этади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланишича, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида солиқ соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш, шу орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш ҳолатини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади [2].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси [1], Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси [3] биринчи навбатда иқтисодиётнинг сифат ва мазмун жиҳатдан янги шаклига, яъни янги Ўзбекистонни барпо этишга асосланган иқтисодиётга ўтишни белгилаб бормоқда. Маълумки, 1997 йил қабул қилинган, сўнг янги таркибий ўзгартирилган 2007 йилда қабул қилинган Солиқ кодекси шу давр ичида таркиб топган солиқлар, уларни тартиблаштириш механизмлари якка ҳукмронлик хусусиятларини ўзида сақлаб қолган эди.

Амалдаги солиқ кодекси ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси бевосита ва билвосита солиқ сиёсатини самарали бошқариш йўналишларини белгилашда шароит яратиб беради. Аммо айтиш жоизки, қонуности ва меъёрий ҳужжатларни ҳаддан зиёд қабул қилиниши ва янгиланиб борилиши (айрим экстремал ҳолатлардан ташқари, яъни табиий офатларнинг юзага келиши, коронавирус пандемияси ҳолатларини юзага келиши ва уларга тенглаштириладиган ҳолатлардан ташқари) самара келтирмайди. Солиқ кодексини мукамал ишлаб чиқиши ва бунда солиқ тўловчилар манфаатларини максимал даражада ҳисобга олиш кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни қабул қилишига эҳтиёж қолдирмайди.

Барча турдаги капитал қўйилмаларига имтиёзлар ҳажми жамланмасини солиқ тўловининг дастлабки миқдорининг ярим қисми кўринишида чеклашнинг

амалдаги тизими (жумладан, корхоналарнинг харажатлари бўйича) ушбу солиқнинг фақат фискал мақсадларга йўналтирилганида мақсадга мувофиқдир. Бу шу билан аниқланадики, кўрсатиб ўтилган чеклашлар бюджетнинг даромадлар базасида барқарорлаштирувчи вазифасини ўтайди ва шу билан “кўпдан-кўп” инвестициялар ҳолатида бюджетга даромад солиғидан тушадиган даромаднинг сезиларли камайишига йўл қўймайди.

Монопол корхоналарнинг рентабеллик даражасини солиқлар билан чеклаш ва уни барча корхоналарга қўллашга доимий интилиш ҳам муаммо туғдиради. 1992-1997 йилларда шунга ўхшаш механизмлардан кенг фойдаланиш бундай чораларнинг самараси паст эканлигини кўрсатди. Рентабелликнинг ўсишига йўл қўймасликка уриниш харажатларнинг ўсишига мойиллик яратади, бу эса инфляция шароитларида унинг технологик занжирда ўз-ўзидан тарқалишини англатади. Боз устига, монополиячи корхоналар учун бундай шароитларда даромад ҳажмини тартибга солишнинг ягона йўли сифатида таннархни ошириш қолади, бу эса саноат монополиясининг юқори даражасида харажатларнинг ўсишини англатади.

Мана шунинг учун ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтириш муайян бир корхона учун иқтисодий томонлама қулай, чунки фақат угина жорий харажатларни тежайди ва шартли равишда олинadиган доимий харажатлар ва таннархда улушининг ортишига олиб бориши баробарида, даромадлар ҳажмини қувватлаб туради. Б.Э. Тошмуродованинг таъкидлашича, нафақат янги ташкил этилган корхоналарга, балки мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам молиявий жиҳатдан тикланишларига, янги ишлаб чиқариш техникаларига эга бўлишлари учун молиявий маблағларга эга бўлишларига солиқлар орқали имконият бериш лозим [10, 69-б.].

Амалдаги солиқ тизими инвестицион жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қарз маблағларидан фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Ҳисобга олиш ва солиққа тортишнинг мавжуд механизми инвестицион кредитларнинг фоизлари бўйича харажатларни таннархга киритишга йўл қўймайди. Шундай фоизларни (шунингдек, айланма маблағлардаги кредитлар) бўйича ўз даромадларининг етишмовчилигидан ортадиган миқдорда соф даромаддан тўлаш нафақат кредит ресурсларининг қизиқарлилик даражасини камайтиради, балки уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кўпчилиги учун етиб бўлмас нарсага айлантиради. Кредитлардан узоқ муддатли инвестицияларни молиялаш учун облигациялар кўринишида фойдаланиш имкониятлари ҳам катта эмас, чунки улар бўйича фоизлар соф даромаддан тўланади.

Портфел инвестициялари бўйича солиқ имтиёзларининг йўқлиги нафақат фонд бозорининг ривожланишини сусайтиради, балки ишлаб чиқаришнинг, айниқса илм-фанга боғлиқ самарали тармоқларига капитал оқимига ҳам тўсқинлик қилади [7, 52-б.]. Активлар қийматининг ошишидан келидиган даромад (жумладан, қимматбаҳо қоғозлар) тўғриланган ставка бўйича солиққа тортилади. Амалдаги қонунчилик бўйича бу даромадлар фақат инфляциядан асрайди (кўпинча, қоғозда), лекин уларни солиққа тортиш бўйича имтиёзлар йўқ, бу эса илм-фан соҳасидаги лойиҳаларни молиялашни қийинлаштиради, тез ўсувчи молиявий активларга ҳар қандай портфел инвестициялари фойдасиз бўлиб қолади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи амал қилиши боис, портфел инвестициялари билан боғлиқ вазият янада мураккаблашади. Мамлакатда молиявий бозор ривожланмаган экан, бу ниҳоятда кучли сезилмайди, лекин хусусийлаштириш ва акционерлаштириш жараёнининг ривожланиши ушбу муаммони, шубҳасиз, биринчи ўринга олиб чиқиб қўяди. Солиққа тортиш режими дивидентнинг кўп сонли тортилишига олиб келади, яъни: уни тўлаётган субъектнинг даромади таркибида; уни акция эгасига тўлаш манбаида; акция эгасининг ҳисобрақамидаги маблағлар таркибида; акция ёки облигацияларнинг баланс қийматини солиққа тортишда.

Мол-мулк солиғи кўзда тутилмаган инвестицион фондлардан ташқари, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун портфел инвестициялари ўта фойдасизга айланади. Чунинчи, улар қимматбаҳо қоғозлар баласида узоқ муддат турадиган реал инвесторлар учун энг кўп даражада фойдасиздир. Буни ҳозирданок инобатга олиш керак, йўқса, портфел инвестицияларига тармоқлараро капитал оқимининг шакли сифатидаги озгина рағбат яна ҳам камайиб кетади.

Портфел инвестицияларга имтиёзлар механизми тўғрисидаги масаланинг қонуний қайта ишланишини бошлаш мақсадга мувофиқ, унга даромад ва мулкка қараб солиққа тортиш киради. Шунинг учун, инвестицион солиқ кредитини жорий қилиш зарурияти – бозор механизмларига мослашган солиқ тизимини яратишда олға ташланган қадам. Лекин солиқ имтиёзларининг бу тури иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳозирги шароитларида кенг оммаланиши қийин. Солиқ кредити берилиши мумкин бўлган инвестиция йўналишлари (импорт ўрнини босувчи, илмий ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун ускуналар, ставкалар ва саноат роботлари ва ҳ.к.) бор. Бунда кредит суммасини ускуна нархи суммасидан чекланиши солиқ тўловини камайтириш ҳажми бўйича чеклов билан тўлдирилиши мумкин. Бозори ривожланган мамлакатлар, жумладан Россия Федерацияси тажрибасидан кўринишича, солиқ

инспекцияларига солиқ кредити бўйича хоҳлаган (инфляциянинг мураккаб даражасидан ошмайдиган) ставкани ўрнатиш ваколатини бериб қўйиш инвестицион солиқ кредити олдида жиддий чеклов ҳисобланади. Айни вақтда, жаҳон тажрибасида инвестицион солиқ кредити механизми кенг қўламли капитал қўйилмаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш воситаси сифатида ўзини намоён қилган.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг кам жозибадорлиги ва инфляция шунга олиб келадигани, кичик бизнес субъектлари учун вақтинчалик бўш маблағларни депозитларга қўйиш микроиқтисодий жиҳатдан энг самаралиси бўлиб қолади. Натижада, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ўтиши юз беради, негаки, амалда айнан муомала бугунги кунда кредит ресурсларининг реал бозор фоизи остидаги ягона истеъмолчиси бўлиб қолмоқда.

Жорий солиқ тизимида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам дастаги сифатида фаол амортизация сиёсатининг йўқлиги асосий камчиликлардан биридир. Бу масалалар бўйича қонунчиликнинг ишлаб чиқилиши ҳали бошланғич босқичда турибди.

Солиқ тизимини модернизация қилишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган долзарб жиҳатлари солиқ тизимини модернизациялашнинг баъзи йўналишларини кўрсатиш имконини беради [6, 83-90 б.]. Аввало, Солиқ кодексида келтирилган мақсад ва вазифаларга мос равишда чет субъектларга бевосита инвестицияларга даромад солиғи бўйича имтиёзларни кенгайтириш мақсадга моликдир. Бу, биринчи навбатда, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган фирмаларга тааллуқли. Реал инвесторларнинг даромадларини қатъий чеклаш билан бирга, портфел инвестицияларига ҳам имтиёзлар керак.

Шу мақсадда, агар қимматбаҳо қоғозлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг балансида бир йилдан ортиқ қолган бўлса, улар қийматининг ўсишидан келадиган даромадга 50 фоизлик пасайтирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, солиқ декларацияси асосида индивидуал инвесторлар учун ҳам шунга ўхшаш имтиёзни ўрнатиш керак. Шу билан яқка даромадларни декларациялаш ҳам рағбатлантирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун инфляция суръатларига индексацияланган даромаднинг солиққа тортилмайдиган минимумини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Минимум миқдорини, ҳеч бўлмаганида, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг биринчи интервалини 50 фоизи миқдорида ўрнатиш кичик бизнесни инфляциядан ҳимоя қилиш имконини беради.

Солиқ кодексида ҳозирги вақтда кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим тартиби, ўтган йиллар учун зарарларнинг солиққача қопланиши кўзда тутилган. Лекин ушбу тартиб ҳам келтирадиган чекловлардан холи эмас. Биринчидан, зарарларни қоплаш солиқ тўловини камайтириш бўйича чекловнинг 50 фоизи миқдорида қопланиши, иккинчидан эса белгиланган муддатда зарарларни қоплашда мажбурий бир хилдаги ўлчов кўзда тутилган. Инфляциянинг юзага келган ҳозирги суръатларида бу шуни англатадики, ушбу имтиёз фақат зарарнинг биринчи йилда қопланадиган қисмининг 1/5 қисмига берилади, зарарнинг қолган суммаси эса деярли инфляция томонидан “ютиб юборилади”. Шунингдек, Солиқ кодексида зарарларни кейинги қоплаш тартиби кўзда тутилган.

Қатор давлатларда хўжалик юритувчи субъектлар зарарларни ўз хоҳишлари бўйича келгуси ёки ундан кейинги йилларга жойлаштириш ҳуқуқига эгалар. Бу бюджет тушумлари миқдorigа сезиларли таъсир ўтказмасдан, даромад миқдорининг тебранишларини самарали тўғрилаб туриш имконини беради. Бюджет танқислиги шароитида бундай ёндошувни жорий қилиш қийин, лекин истиқболда ундан фойдаланиш имкониятларини бутунлай четга суриб қўйиш ҳам керак эмас [5, 94-99 б.].

Кичик бизнес субъектларига даромад солиғи бўйича ва реал солиқ ставкасининг камайишига олиб борадиган имтиёзлар билан биргаликда, бизнинг солиқ тизимимизда солиқнинг самарали ставкасини оширадиган иккита элементи бор. Булар – таннархни қоплаш харажатларининг меъёрланган катталигини ошириш учун жарима санкциялари ва рентабелликнинг чегаравий даражаларини ошириш учун жарима санкциялари. Уларнинг амал қилиши шунга олиб келадики, номинал солиқ ставкаси 10 фоиз бўлгани ҳолда даромадни олиб қўйишнинг реал меъёрий 25 фоизгача боради.

Бугун банк ва суғурта ташкилотларига нисбатан мустақил солиқ сиёсатини юритишга уриниш катта аҳамиятга эга, унинг биринчи қадами тўловчиларни мустақил тоифаларга ажратишдир. Мазкур институтлар томонидан даромад солиғини 10 фоиз ставка бўйича тўланиши асосан фискал юкланишга эга, чунки у тўловчиларнинг ушбу тоифаси бўйича тушумларнинг нисбий катта барқарорлигини таъминлайди ва қатор ҳолларда банкнинг даромад солиғи ставкасини самарали ошириш имконини беради.

**Хулоса.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш жараёнидаги тафовутлар ҳозирги вақтда уларни тенг бўлмаган молия-солиқ шароитларига қўяди, уларнинг рақобат ўринлари, турли активларга инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашни бузади ва умуман, банк ҳамда суғурта хизматларининг нархларини нисбатан оширади. Суғурта ташкилотлари



бўйича солиққа тортишнинг икки тартиби назарда тутилмоқда: суғурта фаолиятидан даромад бўйича солиқ, даромаднинг солиққа тортилиши. Бу солиқларни ҳисоблашни қийинлаштиради.

Мавжуд солиқ тизимининг асосий тузатувчан вазифалари қуйидагилар: хўжалик юритишнинг барча субъектлари учун солиқ шароитларининг барқарорлигини таъминлаш; солиқ хизмати ходимларининг ваколат даражаларини ошириш; солиқ қонунчилигини турлича тушуниш ва Солиқ кодекси билан зид келмаслиги учун солиққа тортиш бўйича йўриқномаларни такомиллаштириш. Ягона, барқарорлашган сиёсатни ўтказиш солиқ сиёсатида принципиал янги йўналишларни аниқлаш имконини беради.

Изланиш давомида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Солиққа тортишда тармоқ тафовутларини ҳисобга олиш амортизация сиёсатига қаратилган бўлиши керак. Шу қаторда, даромад солиғи доирасида имтиёзларни мулк бўйича солиққа тортиш кўлами билан боғлаган афзал, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ билан қўллаб-қувватлаш эса солиққа тортилмайдиган даромад минимумини киритишни тақозо этади.

2. Солиқ тизимининг фискал хусусияти билвосита солиққа тортишга, жумладан, қўшимча қиймат солиғи ва акцияларга қаратишга мувофиқлаштирилиши зарур. Бунда билвосита солиқ тўлаш механизмини мураккаблаштиришдан воз кечиш, солиқ тизимининг айланмадан солиқ тартибига қайтишига йўл қўймаслик ва амалда соф молиявий оқимларни ҚҚСдан озод қилиш керак бўлади.

3. Солиқ имтиёзларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида такомиллаштириш - уларни мақбуллаштиришнинг асосий замонавий йўналиши эканлигини назарда тутиб, бу борада юқорида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда рақобатдошликни таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис солиқ имтиёзларини тақдим этиш хизматларини давлат томонидан тартиблаштирилиши масаласини айнан шу йўналишда такомиллаштириш ҳозирги пайтда бутун дунё мамлакатлари, жумладан, мамлакатимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини асосий йўналишларини белгилашда муҳим чоралардан бири сифатида эътироф этилиши лозим.

**Адабиётлар рўйхати / Список литературы / References**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й. <https://lex.uz/docs/4674902>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3802378>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси. //Зарафшон, 2017 йил 23 декабр. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
5. Ahrorov Z.O. Increase budget revenues of various levels by economically limiting tax paying potential //European Journal of Business and Management.–2019. DOI. 10.7176/EJBM – 2019. – Т. 10. – Р. 94-99.
6. Ahrorov Z.O., Zaynalov J.R. Theoretical aspects of improving the system of taxation. // Journal of Critical Reviews. 2020; 7(7): 83-90. [doi:10.31838/jcr.07.07.14](https://doi.org/10.31838/jcr.07.07.14)
7. Imomkulov T.B. Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. // European Journal of Business and Management. Vol.12, No.5, 2020. – p. 51-54.
8. Барулин С.В., Казак А. Ю., Слепухина Ю. Э. Оптимизация налоговых льгот на основе их оценки //Вестник УрФУ. Серия: Экономика и управление. – 2014. № 6. – С. 117-127.
9. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: курс лекций. – М.: ИНФРА-М, 2000. - 347 с.
10. Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2005. – 154 б.
11. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш масалалари. Монография. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2018. - 240 б.